

Ходимлар ойлик иш хақи.

№	Лавозим и	Сони	Бир ойлик иш хақи (минг сўм)	Бир ойда (минг сўм)	Бир мавсумда -4 ой (минг сўм)
1	Бошлик	1	700	700	2 800
2	Хисобчи	1	700	700	2 800
3	Ишчилар	2	700	1 400	5 600
	Жами :	4		2 800	11 200

Ишлаб чиқариш даромад ва харажатлари

	Кўрсаткич	Ўл-чов бир-лиги	Мик - дори	Нархи (минг сўм)	1 ойда (минг сўм)	1 мавсум - 4 ой (минг сўм)
1	Ишчилар сони	Киши	4		2 800	11200
	Шу жумладан					
	Иш хақи фонди 12% ажратма	сўм			336	1 344
	Иш хақи фондидан даромад солиғи 12 %	сўм			336	1 344
2	Бошқа харажатлар	сўм				4 998
	Жами харажатлар	сўм				16198
Махсулот сотувидан тушган маблағ						
1	Махсулот уруғи	кг	2 000	20		40000
	Жами					
2	Ягона солиғи 5 %	сўм				2 000
	Соф фойда					21802

Савдо-саноат палатасининг марказий аппарати

Тошкент ш 10047, А. Темур шох к.

Тел: 71 15

Ишонч телефон 1094

Web-site: www.chamber.uz

E-mail: info@chamber.uz

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус ш. А.Темур к. 112 А уй

Тел: (0-361) 770-71-01

Факс: (0-371) 770-71-01

E-mail: qr@chamber.uz

Web-site: qr.chamber.uz

Андижон вилояти

Андижон ш. А.Навоий к. 122 уй

Тел: (0-374) 298-11-01

Факс: (0-374) 298-11-01

E-mail: an@chamber.uz

Web-site: an.chamber.uz

Бухоро вилояти

Бухоро ш. Мустақиллик к. 1А уй

Тел: (0-365) 770-11-01

Факс: (0-365) 221-59-06

E-mail: bx@chamber.uz

Web-site: bx.chamber.uz

Жиззах вилояти

Жиззах ш. Ш.Рашидов к. 14 уй

Тел: (0-372) 771-11-01

Факс: (0-372) 226-24-47

E-mail: jz@chamber.uz

Web-site: jz.chamber.uz

Қашқадарё вилояти

Қарши ш. Мустақиллик к. 22 уй

Тел: (0-375) 771-11-01

Факс: (0-375) 227-78-16

E-mail: qr@chamber.uz

Web-site: qr.chamber.uz

Навоий вилояти

Навоий ш. Меъморлар к. 33 уй

Тел: (0-436) 770-31-01

Факс: (0-436) 770-31-01

E-mail: nv@chamber.uz

Web-site: nv.chamber.uz

Наманган вилояти

Наманган ш. У.Носир к. 7 уй

Тел: (0-369) 227-21-01

Факс: (0-369) 227-27-54

E-mail: na@chamber.uz

Web-site: nm.chamber.uz

Самарқанд вилояти

Самарқанд ш.

А.Навоий к. 58 уй

Тел: (0-366) 210-11-01

Факс: (0-366) 210-11-01

E-mail: sn@chamber.uz

Web-site: sn.chamber.uz

Сурхондарё вилояти

Термиз ш.

Ат-Термизий к. 2 уй

Тел: (0-376) 298-11-01

Факс: (0-376) 298-11-01

E-mail: sd@chamber.uz

Web-site: sx.chamber.uz

Сирдарё вилояти

Гулистон ш.

Қахрамонлар к. 1 уй

Тел: (0-367) 235-02-81

Факс: (0-367) 235-02-81

E-mail: sr@chamber.uz

Web-site: sr.chamber.uz

Тошкент вилояти

Тошкент ш.

Қора-су йўли к. 118 уй

Тел: (0-371) 202-21-21

Факс: (0-371) 150-91-01

E-mail: tv@chamber.uz

Web-site: tshv.chamber.uz

Фарғона вилояти

Фарғона ш.

Б.Марғилоний к. 58 уй

Тел: (0-373) 244-52-87

Факс: (0-373) 244-60-02

E-mail: fa@chamber.uz

Web-site: fr.chamber.uz

Хоразм вилояти

Урганч ш.

Баходирхон к. 183 уй

Тел: (0-362) 770-51-01

Факс: (0-362) 770-51-01

E-mail: xz@chamber.uz

Web-site: xz.chamber.uz

Тошкент шаҳри

Тошкент ш.

Шахзисабз к. 142 уй

Тел: (0-371) 236-25-47

Факс: (0-371) 236-03-53

E-mail: th@chamber.uz



ЎЗБЕКИСТОН

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ



БУЮК

КЕЛАЖАКНИ

БИРГА

ҚУРАМИЗ!



Ялпиз - *Mentha piperita* L. - мята перечная – *Lamiaceae* – яснотка - гулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик илдизпояли ўтсимон, ўткир ҳидли ўсимлик. Поялари 4 қиррали, туксиз, ёни сал ёпиқ тукли, 80 см га етади. Барглари бандли, тухумсимон, карама-қарши жойлашган, четлари аррасимон қирқилган, учи ўткир. Тўпгуллари бошоқсимон, сохта халқалардан иборат, гуллари майда, бинафшаранг. Меваси тўртта ёнғоқча, тўқ-кўнғир рангда.

Қалампир ялпиз етиштириш технологияси

Ялпиз ўстириш учун мўлжалланган майдон кузда 25 см чуқурликда ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин ерга гектарига 20 тонна чириган гўнг ва 100 кг фосфор солинади. Ялпиз илдизпоя – қаламчадан кўпайтирилади. Экишдан олдин 8-10 см узунликда қаламчалар тайёрланади. Қаламчалар март-апрель ойларида 10 см чуқурликда тайёрланган жўяқларга бир-биридан 20-25 см масофада экилади. Қатор оралари 60 см бўлганда бир гектар ерга 7-8 мингга илдизпоя қаламчалари зарур бўлади. Экилгандан сўнг суғориш эгатлари олинади ва тупроқ сувга тўйингунга қадар суғорилади ялпизнинг ривожланиб яхши ҳосил бериши мунтазам суғориб ва ўғитлаб туришга боғлиқ. Қалампир ялпиз органик ва минерал ўғитларга жуда талабчан. Ўсимлик экилгандан 17-20 кун ўтгач ёки ён шоқлари пайдо бўлиши билан гектар ҳисобига 40 кг дан азот, 20 кг дан калий ўғитлари билан озиклантирилади. Иккинчи озиклантириш шоналаш фазасида 40 кг азот ва 30 кг дан фосфор ўғитларини бериш билан амалга оширилади. Қалампир ялпиз гуллаш фазасида минерал ўғитларини жуда кўп талаб қилишни ҳисобга олиб, азотли ва калийли

ўғитлардан гектарига 30 кг дан қўллаб озиклантириш тўхтатилади. Вегетация давомида биринчи ва кейинги йиллар гектар ҳисобига 110-120 килограмм азот, 80 килограмм фосфор ва 60 килограмм калий ўғити билан озиклантирилади. Тупроқ доим нам ҳолатда бўлиши керак. Вақти-вақти билан тупроқни юмшатиб туриш ва бегона ўтларни йўқотиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Етарли даражада суғорилмаса, ўсимлик бўйи калта, кам ҳосил беради. Ўсимлик экилган биринчи йили 8 марта суғорилади, 5 марта ер юмшатилиб ўтоқ қилинади. Иккинчи йили суғориш сони ўзгармайди, ўсимлик бўш ерларнинг деярли ҳаммасини эгаллаб яхшигина ўтзор ҳосил қилади, шунинг учун қатор оралари фақат баҳорда юмшатилади. Учунчи йили экинзор юмшилмайди. Заруратга қараб қўлда ўтоқ қилинади. Тўртинчи йили баҳорда дала культиваторлар ёрдамида ағдарилади ва илдизпоялари йиғиб олиниб, бошқа майдонга экилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши

Тайёр маҳсулот чўзиқ тухумсимон ёки ланцетсимон, қиска бандли, ўткир учли, аррасимон нотекис қиррали баргдан иборат. Баргнинг узунлиги 8 см гача, эни 3 см гача бўлиб, устки томони тўқ яшил, пастки томони эса оч яшил рангда. Иккинчи тартибдаги томирлар йўғон томирдан бурчак ҳосил қилиб чиқади ва учлари билан бирлашиб, барг четида параллел чизиқ ҳосил қилади. Маҳсулотнинг ўткир ёқимли хиди бор, мазаси тилни ачитиб, узоқ вақтгача муздек қилиб туради. XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 14%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 6%, қорайган барглар 5%, поя ва гул аралашмалари 10%, тешигининг диаметри 3 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 5% (бутун доривор маҳсулотлар учун), органик аралашмалар 3% ва минерал аралашмалар 1% гача бўлиши керак. Қирқилган маҳсулот учун 10 мм дан йирик бўлакчалар 10% дан, тешигининг диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 8% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ишлатилиши

Ўсимлик баргида 2,40—2,75%, гул тўпламида 4—6%, поясида 0,3% эфир мойи бўлади. Қалампир ялпизнинг янги навлари таркибида 4—5% гача эфир мойи бор. XI ДФ га кўра барг таркибида (баргни сақлаш даврида эфир мойининг учиб кетишини назарда тутган ҳолда) 1% дан кам эфир мойи бўлмаслиги керак. Эфир мойи ўсимликнинг ер устки қисмидан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади. Мой тиниқ рангсиз ёки оч сарик

суяқлик бўлиб, ҳушбўй ҳидга ва оғизни узоқ муддатгача совитадиган ўткир мазага эга. Қалампир ялпиз барги препаратлари, эфир мойидан тайёрланган ялпиз суви ва настойкаси кўнғил айнишига ва қайт қилишга қарши ҳамда овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда ишлатилади. Бундан ташқари, ялпиз суви оғиз чайқаш ва микстуралар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Эфир мойидан ажратиб олинган ментол кулок, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади. Ментолдан бош оғриғини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади. Ментол препарати — валидол, кўкрак қисиш (стенокардия) касаллигида ишлатилади. Эфир мойи ва ментол озик-овқат ҳамда парфюмерия саноатида ҳам қўлланилади.

Пул маблағини йўналтириш

Т/р	Сотиб олинган мулк ва хом ашёлар	Микдор	Ер майдони	Сотиб олиш баҳоси (минг сум)	Жами Суммаси (минг сум)
1.	Қалампир ялпиз қаламчаари	7 минг дона	1га	0,100	700
2.	Органик ўғит	20 тонна	1га	0,125	1 250
3.	Фосфорли ўғит	80 кг	1га	2,1	168
4.	Азот ўғит	120 кг	1га	2,1	252
5.	Калийли ўғит	60 кг	1га	6,3	378
6.	Ер ҳайдаш	1 марта	1га	300	300
7.	Культивация	3 марта	1 га	50	150
8.	Суғориш	8 марта	1га	100	800
9.	Бошқа харажатлар				1 000
	Жами:				4 998